



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 2 июнь, № 115 (7617)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни миллий статистика соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Статистика тизими қанчалик ҳаққоний ва очиқ бўлса, ислохотлар шунчалик тўғри ва натижадор бўлади. Шу мақсадда сўнгги уч йилда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, инфляцияни ҳисоблаш усули халқаро стандартларга мослаштирилди, кузатувдаги товарлар таркиби кенгайтирилди. Давлат бюджети, ташқи қарз, олтин захираси ва табиий бойликлар ҳақидаги молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар очиқ эълон қилинмоқда.

Йиғилишда ҳудудлар ва тармоқлар статистикасини ўзаро мувофиқ шакллантириш, уларни ягона халқаро статистика тизими билан уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ишсизликни аниқлашни Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларига тўлиқ мослаштириб, сўров ўтказиш тартибини такомиллаштириш ва қамровни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш тизимида касаликларни даволаш харажатлари бўйича халқаро ҳисоб меҳа-

низми жорий этилиши белгиланди. Бусиз тиббий сўғуртани амалиётга кириштиб бўлмайди.

Вазирлар Маҳмаси, Давлат статистика кўмитасига таълим, қишлоқ ҳўжалиги, ташқи савдо, транспорт, қурилиш, экология, туризм ва яна қатор соҳалар статистикасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлат идораларининг статистикани шакллантириш жараёнини аудит қилиш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Жаҳон маълумот базаларида Ўзбекистоннинг тармоқ индикаторлари тўлиқ акс этмагани аниқ нарли ҳол. Шу муносабат билан, Молия вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг соҳадаги фаолияти мувофиқлаштирилмайди. Аслида эса статистик кўрсаткичларнинг 40 фоизи ушбу идоралар томонидан таъминланганлиги таъкидланди.

Шу боис бу борадаги қонунни ва 17 йил аввал ташкил этилган Статистика кенгаши фаолиятини

такомиллаштириш, халқаро талаблар асосида мустақил статистика тизimini яратиш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги Фармонида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилиши белгиланган эди. Жорий йил 16 мартда Юртбошимиз томонидан “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун имзоланди.

Давлатимиз раҳбари аҳолини рўйхатга олиш статистикани шакллантиришда асосий манба экани, бунга ҳозирдан пухта тайёргарлик қўриш кераклигини таъкидлади.

Статистика кўмитасида махсус бўлиμμα ташкил этиб, хорижий экспертларни жалб қилиш, кўмита ҳузуридаги Кадрлар ма-лакасини ошириш институти фаолиятини такомиллаштириб, аҳолини рўйхатга олишда қатна-

шадиган барча мутахассисларни ўқитиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Сўнгги 5 йилда 318 нафар бакалавр ва 33 нафар магистр тайёрланган бўлиб, статистика идораларида уларнинг 10 фоизи ишламоқда, холос. Тизимдаги ходимларнинг 2 фоизигина статистика бўйича олий маълумотга эга. Шунингдек, 30 йил давомида атиги 1 нафар фан доктори, 11 нафар фан номзоди илмий иш ёклаган.

Шу боис кадрлар тайёрлаш тизimini тубдан такомиллаштириш ва статистика фанини ривожлантириш, соҳада меҳнатга ҳақ тўлаш тизimini қайта қўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Статистика тизimini ривожлантириш стратегияси тақдими ўтказилди. Давлатимиз раҳбари уни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СЎЗЛАШДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари кунги кеча “Чашма” чегараолди ҳудудида рўй берган ҳодиса билан боғлиқ масалаларни батафсил қўриб чиқиб, бундай вазият бошқа такорланмаслиги учун мукамал чоралар қабул қилиш муҳим эканини таъкидладилар. Ҳукумат делегациялари ўтказган музокараларнинг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Икки томонлама муносабатларга оид мавжуд масалаларни тартибга солиш ҳамда амалий ҳамкорлиқни, аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-коммуникация соҳаларида янги ўсиш нукталарини аниқлашга қаратилган савб-ҳаракатларни фаоллаштириш юзасидан келишиб олинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Қирғизистон Ҳукуматлараро қўшма комиссияси ҳамда Чегарадош

вилоятлар маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисларини ўтказиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Сўхбат чоғида корона-вирус пандемияси тарқалишининг оқибатларига қарши кураш бўйича яқиндан ҳамкорлиқни ва идоралараро алмашинувларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлашда қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси



Мамлакат бош молиявий ҳўжжати ижроси депутатлар муҳокамасида

2020 йил 1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўриб чиқишди.

Ҳисоботда таъкидланганидек, мамлакатимизда макроиқтисодий мувозанатликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш сўрьатларига эришиш натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,6 фоиз ўсди. Ижобий ўсиш сўрьатлари қурилиш соҳасида 19 фоизни, саноатда — 6,6, хизматлар соҳасида — 5,1, қишлоқ, ўрмон ва баллиқ ҳўжалиги соҳасида 2,5 фоизни ташкил этди. Саноатнинг ривожланиши савдо, маиший хизматлар ва умумий овқатланиш, таълим каби соҳаларнинг ривожланишига тўртки бўлди. 2019 йилда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 189 трлн. 924 млрд. сўм бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 37,1 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётдаги барқарорлик Давлат бюджетининг 2019 йилдаги ижросига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида йилри қўламда амалга оширилган бюджет-солиқ сиёсатидаги ислохотлар, шунингдек, жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи, тадбиркорлик субъектларидан ундирилган ягона ижтимоий тўлов ва фойда солиғи ставкалари қисқартирилиши шароитида иқтисодиётда солиқ солиш базасининг кенгайишига эришилди. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари сезиларли даражада қисқартирилишига қарама-дан ушбу солиқ туридан тушумлар 2018 йилдагига нисбатан 21,3 фоиз ўсди.

Қисқача айтганда, солиқ солишининг адолатли таъмилий таъминланиши ва яширин иқтисодиётнинг улуши қисқариши даромадлар

базасида жиддий ўзгаришлар юз беришига ва расмий солиқ тўловчилар сонининг ортишига олиб келди.

Натижада ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 112,2 трлн. сўмни (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,9 фоизни) ташкил этди, прогноз кўрсаткичлари 9,2 трлн. сўм ортиги билан ёки 109,0 фоизга бажа-рилди.

Бюджет тушумлари таркибида юридик шахслардан олинандиган фойда солиғи 2018 йилнинг мос давридагига нисбатан 4,7 баравар ошди.

Яна шуни ҳам эътироф этиш лозимки, тадбиркорларга берилган енгиллик ва имтиёзлар натижасида 12,8 трлн. сўм маблағ ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ихтиёрида қолдирилди. Шунингдек, жисмоний шахслар даромадига солиқ юкни камайтириш натижасида аҳоли даромадлари 6,5 трлн. сўмга ошганлиги аҳолининг реал даромадлари кўпайишига ҳисса қўшди.

Даромадларнинг тасдиқланган режадан орттириб бажарилиши 2019 йил давомида бюджетнинг барча тасдиқланган харажатларини молиялаштириш билан бирга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадларида қўшимча 15,6 трлн. сўм харажат қилиш имконини берди.

Умуман олганда, Давлат бюджетининг 2019 йилдаги харажатлари 2018 йилдагига нисбатан 48 фоиз ошди. Давлат бюджети харажатлари таркибида олдинги йиллар каби ижтимоий соҳа харажатлари улуши юқори бўлди — 54 фоиз.

➡ 2

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КУЛГИСИ БАРАЛЛА ЯНГРАСИН!

Юртимизда болани жон дилидан яхши кўрмайдиган, уларни сўйиб эркаламайдиган оила ва инсон бўлмаса керак. Халқимиз болажонлиги билан ҳам тилларга тушган.

Бугун ушбу масала мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, болалар ҳуқуқини таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

■ Фамхўрлик



Бунга мисол қилиб яқинда Сенат аъзолари томонидан маъқулланган ҳамда Президентимиз томонидан имзоланган “Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Рес-

публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида”ги Қонунни келтириш мумкин. Бу ҳужжат болалар ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий муносабатлар-

да қўшимча кафолат бериш ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

➡ 2

ЯНГИ УЙЛАР ҚУВОНЧИ ВА ШУКУҲИ

Фаровонликка интилиш инсонга хос. Зеро, одамзод пайдо бўлибдики, қулайлик ва эркинликка эришиш истагида тинмай ҳаракат қилади. Масалан, уй-жой. У биз истаган қулайлиқни беради. “Уз уйим — ўлан тўшагим”, деган гап бежиз айтилмаган, ахир.

■ Муносабат

Президент Шавкат Мирзиёев 29 май куни аҳоли учун яратилаётган шароитлар, фуқаролар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида пойтахт-тимизнинг Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Заңгиота туманида бўлди. Ташриф доирасида

давлатимиз раҳбари Сергели туманида барпо этилган 16 қаватли уйни ҳам бориб кўрди. Бу воқеа бошқа юртдошларимиз сингари бизда ҳам илиқ таассуротлар уйғотди, бундай кўркем ва замонавий уйга кўчиб қирган инсонларга ҳавасимиз келди.

➡ 2

Сенатор ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳаёт шиддатига мослашмоқда

Бугун ҳаёт ўзгарди, жараёнлар тобора тезлашиб борапти. Шунга мос равишда сенаторлар ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятида ҳам замон шиддатига мослашиш, ўндан ортда қолмаслик, лўнда қилиб айтганда, одамлар орасига кириб бориб, улар муаммоларига ечим топиш, дардига дармон бўлиш борасидаги савб-ҳаракатлар яққол кузатилмоқда, десак, муболага эмас.

■ Нуктаи назар

Зеро, ҳозир маҳаллий Кенгашлар фаолиятини қулайтириш орқали жойлардаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг моддий-техника базаси янгиланди. Эндликда халқ вакиллари махсус жиҳозланган шинам ва қулай хоналарда, замонавий ком-

муникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ишламоқда. Кейинги босқичда уларнинг моддий манфаатдорлигини юксалтириш белгиланган.

Табиийки, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самардорлигини ошириш Олий Мажлис Сенати, ҳар бир сенатор зиммасига қатта масъулият юқлайди. Шу боис сенаторлар маҳаллий

Кенгашлар билан халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида бақамти меҳнат қилмоқда. Хусусан, вилоят ва туманларга бириктирилган сенаторларимиз жойлардаги вакилларимиз билан биргаликда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг заиф қатламларини рўйхатга олиб, уларни камбағалликдан қиқариш чораларини кўраётганини алоҳида айтиш жоиз.

➡ 2

Мамлакат бош молиявий ҳужжати ижроси депутатлар муҳокамасида

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг турмуш фаровонлигини ошириш харажатларига ҳисобот даврида Давлат бюджетидан 4 трлн. 700 млрд. сўм миқдорда маблағ сарфланди. Шу жумладан, 350 мингга яқин ишсиз фуқароларни вақтинчалик жамоат ишларига жалб этиш учун 235 млрд. сўм, қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 85 млрд. сўм, қишлоқ жойларда ва шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш учун 4 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илм-фанни ривожлантиришга қаратилган бир қанча ташаббусларини амалга ошириш учун илмий-тадқиқот муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга Давлат бюджетидан 662 млрд. сўм маблағ ажратилди. Натижада ушбу соҳа ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2018 йилнинг мос давридагига нисбатан ўртача 82 фоиз оширилди.

Ҳисоботнинг муҳокамаси жараёнида депутатлар ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда Давлат бюджетига оид айрим камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратишди. 2019 йилда назорат тадбирлари ўтказилган 8 минг 74 та бюджет ташкилотининг 6 минг 616 тасида 142,5 млрд. сўм миқдорда молиявий хатоликлар, жумладан, 30,3 млрд. сўм миқдорда пул маблағлари ва моддий бойликлар камомоди ҳамда ўзлаштиришлар ва 112,2 млрд. сўм миқдорда ноқонуний харажатлар аниқланган.

Бу ҳолатлар ҳамон бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан самарали назоратни амалга

ошириш механизмлари яратилмаганлигидан далолат беради.

Шунингдек, депутатлар бюджет интизоми, шаффофлиги ҳамда ҳисобдорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратишди. Бюджетдан маблағ ажратилишда, аввало, улардан қўйлаётган самарадорлик ва натижадорлиқни ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлашди.

Қизгин муҳокамалар давомида парламент кўйи палатаси вакиллари маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизоми-ни ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини қўлайитириш, бунинг учун халқ депутатлари тегишли Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олиш зарурлигини таъкидлашди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Депутатлар шу куннинг ўзида Қонунчилик палатасининг мажлис кун тартибидagi иккинчи масала — **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил биринчи чорагидagi ижроси тўғрисидаги ҳисобот**ни ҳам кўриб чиқишди.

Хукумат тақдим этган ҳисоботда таъкидлангандек, Президентимизнинг ташаббуслари билан 2020 йил учун Давлат бюджети илк бор қонун сифатида қабул қилинди. Бунда ҳар

йили қарор билан қабул қилинадиган бюджет шунчаки қонун кўринишига айлантириб қўйилмади, балки бюджет тизимида бир қанча муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, молиявий номарказлаштириш бўйича катта қадам қўйилди, маҳаллий бюджетлар мустақиллиги оширилди, республика бюджетига харажатлари ҳар бир вазириликлар бўйича қабул қилинди. Парламентга ҳар бир вазирилик ҳамда идораларнинг бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда эришаётган натижалари тўғрисида ахборотларини эшитиш бўйича қўшимча ваколатлар берилди.

Мазкур чора-тадбирлар иқтисодиёт тармоқларининг 2020 йил I чорагида барқарор ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 4,1 фоизни ташкил этди. Бунда саноат соҳаси улуши — 1,2, хизматлар — 1,5, қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжа-лиги соҳаси — 0,5, қурилиш соҳаси — 0,4 фоизга тенг бўлди.

Коронавирус пандемияси халқро-ро бозорларга ўз таъсирини кўрсат-ганлиги оқибатида мамлакатнинг таш-қи савдо айланмаси 8,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида бўлишига ёки 2019 йилнинг мос давридагига нисбатан 10,2 фоиз (924 млн. АҚШ доллар) камайишига сабаб бўлди. 2020 йилнинг январь — март ойла-рида инфляция даражаси — 2,8 фо-изни ташкил этди.

Шунга қарамайдан, янги тахрир-да қабул қилинган Солиқ кодексин-инг ижрога қиритилиши иқтисо-диётда тадбиркорлик фаоллигини оширишга, даромадларнинг легалла-шишига ҳамда Давлат бюджети да-ромадларининг бир маромида туши-

шига хизмат қилди. Давлат бюдже-тининг даромадлари 28,5 трлн. сўмни, харажатлари эса 27,7 трлн. сўмни ташкил этди ёки ЯИМга нис-батан 0,8 фоиз миқдорида профи-цит билан ижро этилди. Давлат бюд-жети даромадлари ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 23,6 фоиз ўсиб, белгиланган режа кўрсаткичлари 103,2 фоиз бажари-лди.

2020 йил I чорагида Давлат бю-джетининг харажатлари 27,7 трлн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг шу давридагига нис-батан 14,6 фоиз ўсди. Бюджет таш-килотларининг қарийб 11 трлн. сў-млик иш ҳақи ва унга тенглаштирил-ган тўловлари ҳамда 2,2 трлн. сўмдан ортиқ иш ҳақига нисбатан ажратмалари ўз муддатларида тўлиқ молиялаштирилиши таъминланди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш харажатлари умумий харажатларининг 54,5 фоизини ташкил қилди. Соҳа-даги йўналишларни молиялаштириш мақсадида Давлат бюджетидан жами 15 трлн. сўм, шу жумладан, мактаб-гача таълим муассасаларига — 1,4 трлн. сўм, умумтаълим мактаб-ларига — 5,6 трлн. сўм, соғлиқни сақлаш соҳасига — 3,7 трлн. сўм, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, компенсация тўловлари ва аҳоли бандлик даражасини оширишга — 1,5 трлн. сўм маблағлар ажратил-ди.

Коронавирус пандемияси ва гло-бал инқироз ҳолатларининг иқтисо-диёт тармоқларига салбий таъсири-ни юмшатиш борасида Президенти-миз томонидан қабул қилинган Фар-мон ва қарорларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан

344 млрд. сўм ажратилган. Шу-нингдек, ҳисобот даврида иқтисо-диёт харажатларига 2,7 трлн. сўм, Инвестицияларни молиялаштириш харажатларига 1,9 трлн. сўм миқдо-рида маблағ йўналтирилган.

Ҳисоботда қайд этилишича, иж-обий натижалар билан бир қаторда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича хато ва камчи-ликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, ҳисобот даврида назорат тадбирла-ри ўтказилган 1 373 та бюджет таш-килотларининг 1 096 тасида 39,9 млрд. сўм миқдорида молия-вий хатоликлар, жумладан, 9 млрд. сўм миқдорида пул маблағ-лари ҳамда моддий бойликларнинг камомад ва ўзлаштиришлар ҳамда 30,9 млрд. сўм миқдорида ноқону-ний харажатлар аниқланган.

Парламент кўйи палатаси аъзо-лари йиғилишда иштирок этган ма-тасадди вазирилик ва идоралар ра-ҳбарларининг эътиборини пандемия шароитида Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадли жамғарма-лари бюджетларининг даромад ва харажатларини амалга оширишда келгуси чорақларда қўзда тутилиши лозим бўлган бошқа долзарб вази-фаларга ҳам қаратишди. Халқ вакил-лари бу борада парламент назора-тин янада қўлайитириш мақсадида му-вофиқлигини таъкидлашди.

Мажлис якунини кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақ-садли жамғармалари бюджетлари-нинг 2020 йил биринчи чорагидagi ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзаси-дан тегишли қарорни тасвирлар бил-ан қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.



Ҳосни ПАЙДОЕВ олган суратлар

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КУЛГИСИ БАРАЛЛА ЯНГРАСИН!

К у н и к е ч а Президентимизнинг “Бола ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг манتيкий давоми бўлди. У билан бола ҳуқуқлари бўйича вакил давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган ҳолда фаолият юрити-ши ва дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши белгилаб берилди.

Бундан ташқари, давлати-мизда тарбия муассасаларини тамомлаган уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қара-моғидан маҳрум болаларни тураржой билан таъминлаш

тегишли ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Умуман олганда, бугунги кунда болаларнинг мазмунли дам олиши ва мунтазам тиб-бий кўриқдан ўтиши учун бар-ча шарт-шароит яратилиб, уларни моддий ва ҳуқуқий жи-ҳатдан қўллаб-қувватлаш тизи-ми тўла йўлга қўйилган. Зеро, болалар — оила қувончи, давлатимизнинг умиди ва ку-чидир. Ўғил-қизларимизнинг кулгиси баралла янграсин, бе-ғубор ниятлари ушалсин!

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

Сенатор ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳаёт шиддатига мослашмоқда

Давлатимиз раҳбари-

нинг “Томорқа ер эга-ларини қўллаб-қувват-лаш ва аҳоли бандлигини таъ-минлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қаро-ри мазкур жараёнда дасту-риламал бўлаётир. Зеро, ана шу ҳужжатда аҳоли бандлиги-га кўмаклашиш маркази, етказ-иб берувчи ташкилотлар ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шарт-номалар асосида енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун базавий ҳисоб-лаш миқдорининг 30 баравар-ригача, сугориш воситалари харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 ба-раваригача, уруғлик ва қўчат-лар сотиб олишга базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 ба-раваригача субсидиялар, яъни қайтарилмайдиган маблағлар ажратилиши назарда тутилган. Жудаям эзгу ғоя. Аммо уни ҳаётга татбиқ этиш осонмас.

Шундан келиб чиқиб, сена-торлар бошчилигида жойлар-да маҳаллий Кенгаш депутат-ларини уйма-уй юриб, ўз ҳудудларидаги эҳтиёжманд ин-сонлар шароитини ўрганиб, манзилли рўйхатни шакллан-тирмоқдалар. Тез орада улар-га ана шу адолатли рўйхат асо-сида субсидиялар берилди. Бу қанча иш ўрни яратилди, қанча оилалар дастурхонни тўкин бўлади, энг муҳими, одамларимизнинг эртанги кун-га ишончи мустаҳкамланади, дегандир.

Маҳаллий Кенгашлар фао-лиятига оид яна бир янгилик шуки, эндиликда ҳар бир сес-сияда ижро ҳокимияти орган-лари мансабдор шахсларининг камида иккитадан ҳисоботи эшитилади. Аммо ушбу ҳисо-ботлар осонликча қабул қилин-майди. Яъни унинг қанчалик тўғри эканлиги секторлар ке-семида жойларга қиқиб ўрга-нилади. Агар ҳисоботларда но-аниқлик ва қўбўйамчилик ҳолатлари аниқлансан, маҳал-лий Кенгашнинг тегишли қаро-ри қабул қилинади. Агар қарор ижро қилинмаса, масала

Сенатга олиб чиқилади ва мамлакат миқёсида муҳокама этилади.

Одамлар муаммоларини ўрганиш ҳам муҳим масалалар-дан биридир. Бу борада сена-торлар ўзларига бириктирилган ҳудудларда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда фаолият олиб бораёти. Бунда масаланинг қайси бири маҳал-лий, вилоят ёки республика да-рахсида эканлигига алоҳида аҳамият берилаётир. Бу бора-да маҳаллий Кенгашлар ҳузу-ридаги доимий комиссиялар ваколати ва имкониятларидан кенг фойдаланиш.

Яна бир гап: ҳозирги коро-навирус пандемияси шароити-да маҳаллий Кенгашлар кун тартибига унинг иқтисодиётга салбий таъсирини қамайитириш мақсадида қўйилаётган чора-тадбирлар натижалари, 2020 йил учун қўшимча ин-фратузилма лойиҳаларини тайёрлаш, жойларда ишлаб чиқаришни қенгайтириш ва бандлиқни таъминлаш мақса-дида қўшимча заҳираларни аниқлаш вазифаси ҳам кир-тилади. Бу жараёнда сенатор ва маҳаллий Кенгашлар депу-татлари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли томорқаларидан самара-ли фойдаланишни ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотла-ри нархлари сунъий ўсишининг олдини олиш, фойдаланишдан қилиб кетган ҳамда ер ости сув заҳираси бўлган ерларни яна фойдаланишга қайтариш, уларни қишлоқ ҳўжалиги маҳ-сулотлари етиштириш учун асосида имтиёзли шартлар асосида ажратиб бериш чора-лари кўрилаётганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Қисқаси, бугун сенатор ва маҳаллий Кенгашлар депу-татлари ҳамжihatлиқда фаолият юритмоқдалар. Албатта, бу сазй-харакатлар тез орада ўз самарасини беради.

Қўтибддин БУРҲОҶОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофaa ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил биринчи чорагидagi ижроси тўғрисидаги** ҳисоботлар муҳокамаси бўлиб ўтди. Депутатлар Давлат бюджети ижросини умуман маъқуллаш баробарида, ўз электоратлари томонидан жойларда кўтарилаётган қатор савол ва тақлифларни ўртага ташлашди. Савол ва тақлифлар қилинган ишларни таққид остига олиш учун эмас, қилинажак ишлар самарадорлигини оширишга қаратилгани билан ҳисобот берувчиларга ҳам маъқул тушди. Бу ҳақда парламент кўйи палатаси депутатлари фикрлари билан қизикдик.

Ботир МАРДАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Ҳисоб палатаси то-монидан 2019 йилда бюджет маблағларининг бирламчи тақсимловчи-лари соҳага ажратилган бюджет маблағларидан қанчалик мақсадли фой-далангани ўрганилганда, бир қатор давлат муас-сасаларида маблағлар-дан бюджет интизоми бўзилган ҳолда фойда-ланганлик фактлари аниқланган.

Бугун ялпи йиғилишда молия вазири олди-га ана шундай муаммолар ҳақидаги масалани кўйдик. Уларнинг ечими бўйича фикр алмаш-дик. Ҳар бир вазирилик таркибиди ички молия-вий назорат тизими, яъни ички аудит ташкил қилинган, бунинг учун етарли штатлар, маблағ ажратилган. Келгусида ана шу имкониятлар-дан кенг фойдаланиш лозим.

Наврўз ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Давлат бюджетига ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталарда атрофликда кўриб чиқилди. Бу жа-раёнда Ҳукумат вакил-ларидан қўшимча маъ-лумотлар ҳам олдик. Ҳисоботни таҳлил қилиш чоғида айрим масала-лар ҳам кўзга ташлан-ди. Жумладан, Давлат божхона қўмитаси томо-нидан бюджетга ўткази-лиши лозим бўлган маблағларнинг кечикти-

риб ўтказилгани аниқланди. Мазкур масала юзасидан қўмита раҳбарияти билан ўтказил-ган муҳокамалар жараёнида божхона орган-лари томонидан ундирилаётган маблағлар ав-томатик тарзда Давлат бюджетига ўтказили-шига келишиб олинди ва буни амалга оши-риш учун қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритиш ҳамда махсус электрон дастур ишлаб чиқилиши лозимлиги қайд этилди.

Алишер ҲАМРОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Биз ўтган йили би-ринчи маротаба Давлат бюджетини қонун шак-лида қабул қилдик. Бу эса муҳим молиявий ҳужжатнинг мақоми ва аҳамиятини оширди. Лекин менинг фикрим-ча, Давлат бюджетиди-да ҳали ҳам шаффофлик, бюджет интизоми ҳамда ҳисобдорлик етарли эмас. Жумладан, маҳал-лий ҳокимликлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ке-лишмаган ҳолда маҳаллий бюджетларга ўзгаришлар киритганлиги Ҳисоб палатаси то-монидан аниқланган. Келгусида бундай ҳолат-ларнинг олдини олишда масъул вазирилик ва идоралар масъулияти ҳамда жаавобгарлигини ошириш керак. Парламент ҳам мазкур йўналишда қонун ҳужжатларига ўзгариш ки-ритиши лозим.

Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Охирги йилларда маҳаллий бюджетлар мустақиллиги оширилди, республика бюджетига ҳар бир вазирилик кесимида қабул қилинди. Парламентга ҳар бир вазирилик ҳамда идо-раларнинг бюджет маблағларидан мақсадли ва

самарали фойдаланиши ҳамда эришаётган на-тижалари тўғрисида ахборотларини эшитиш бўйича қўшимча ваколатлар берилди.

Шу билан бир қаторда, ҳудудларга янги мак-таб, боғча, тиббиёт муассасаси, кўприк қуриш ёки мавжудларни таъмирлаш каби Давлат бюджетидан ажратиладиган капитал қўйил-малар миқдори қайси мезонлар орқали тақ-симланаётганлиги ҳануз-гача маъвум бўлиб қол-моқда. Натижада ажра-тилаётган маблағлар у ерда яшаётган аҳоли сонига уларнинг реал талабига мутаносиб бўлмай қолаётган ҳолат-лар ҳам мавжуд.

Шундан келиб чиқиб, бюджет ва мақсадли жамғармалар маблағла-ри ҳисобидан амалга оширилаётган объектлар қурилишини Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан тасдиқлаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу ишларни амалга ошириш учун парламентдан қандай амалий ёрдам керак бўлса — биз тайёرمىз.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Молия соҳасида олиб борилаётган испо-ҳотлар иқтисодиётини либераллаштириш, мо-лия тизимини ҳажон стандартларига муво-фиқлаштиришга хизмат қилмоқда. Давлат бюд-жетининг барча жара-ёни, хусусан, бюджет та ш к и л о т л а р и н и н г ҳисоботи ҳам электрон дастур орқали амалга оширилмоқда. Ҳисоб палатаси ҳам ушбу электрон дастурлардан фойдаланган ҳолда фаолият олиб бормоқда, доимий назоратни амалга оширмоқда. Электрон дастурлардан фойдаланиш ҳар қандай ҳисоботларни қисқа муддатларда тайёрлаш ва қайта ишлаш имконини беради.

Шунга қарамайдан, бугунги тезкор ислохот-лар даврида 2019 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари-нинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот май

Мушоҳада

Лекин бугун ушбу юқумли вирус-ни юктириб олмаслик, ундан ҳимоя-ланиш ҳақида узлуқсиз тушуни-риш, тарғибот ишлари амалга оши-рилаётганига қарамай, афсуски, қўча-қўйда тиббий киёб тақмаслик ҳолатлари учраб турибди. Бу эса ка-салликни аниқлаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган барча ҳара-катларни йўққа чиқариши мумкин.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши курашиш, унинг талафотларини қамайитириш бўйича давлатимиз томонидан муҳим ва тезкор чора-тадбирлар кўриллаётгани ҳаммаимизга яхши маълум. Президентимиз раҳбарлигида бу хатарли иллатга қарши курашиш ўз вақтида бошлангани сабабли коронавирусни жилавлаб туриш имкони яратилди.

рият-гигиена қоидаларига риоя қилиш талаб этилишига қарамай айрим фуқаролар ҳали-ҳамон ўз билганича юрганини кўриб, таш-вишга тушдик. Хусусан, Қарши шаҳ-рининг “Эски шаҳар” қисмидаги ер ости йўлида фаолият олиб бораёт-ган ноозиқ-овқат дўконларида сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам санитария нормаларига амал қил-маётганига дуч келдик. Кўплари эса никоҳ ҳам тақмаган. Оралик масо-фани сақлаш ҳақида эса умуман гап бўлиши мумкин эмас. Шундай ман-зарани “Янги бозор”нинг ташқари-сида ҳам учратдик.

Шу ўринда яна бир ҳолат ҳақида айтмасак бўлмайди. Юртимизнинг барча ҳудудиди қатновчи таксилар қарантин қоидаларига амал қилган ҳолда, уч нафар йўловчи билан ҳаракатланиши белгиланган. Аммо

Қарши шаҳрида бундай эмас. Ак-сарият автоловлар лик тўла ҳолат-да бемалол ҳаракатланаётганига дуч келасиз. Устига-устак, ҳайдов-чилар ўзлари хоҳлаганча нарх бел-гилаб олган. Масалан, Қаршидан Самарқандга қатнаётган такси нар-хи 250 минг сўм экан...

Ҳуллас, ўрганишлар жараёнида қарантин қоидаларига зид қўллаб ҳолатларни учратдик. Ваҳоланки, ҳозир кимдир келиб, танбех бери-шини кутиб ўтирадиган замон эмас. Ахир қарантин қоидалари ўрнати-лиши сиз ва бизнинг саломатлиги-миз учун-ку?! Шундай экан, унга амал қилишни унутмайлик.

Рушдидин РАҲУПОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати.

Янги уйлар қувончи ва шуқуҳи

Бундан қарийб тўрт йил муқаддам Сергели туманида 500 та кўп қаватли уй қурилиши маълум қилинганда, бу гоа кўпчиликка реал воқеликдан йироқ бўлиб туюлган бўлиши мумкин. Аммо оран-дан ўтган қисқа вақт Юрбoчиmиз-нинг мазкур гоиси ҳам ҳақиқатга қанчалик уйғунлигини кўрсатди. Бўлар гапни айтганда, бу гоа замо-навий, шинам, барча қулайликка эга катта мавзе қурилишида “моддийлаштирилди”.

Биргина кейинги уч йилда ту-манда 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдала-нишга топширилди. 26 та наму-навий маҳалла гузарии барпо этил-ди. Шу даврда бу ерга 100 минг-дан зиёд қамортрларимиз кўчиб келди ва жами аҳоли 276 минг-дан ошди.

...Худудни томоша қилиш асо-сида аҳолини уй-жой билан таъминлаш йўлида нақадар му-ҳим қадам қўйилганини англамас-лик мумкин эмас. Чунки бу ерда ўзгача муҳит, бошқача кўтарин-чилик ҳукмрон. Йиллар давомида ижарама-ижара ашаб, дардини кимга айтишни билмаган минглаб оилалар, ниҳоят, уйли, ватанли бўлди. Янги уйларга кўчиб кел-ган одамлар қалбидаги шуқрона-лик ҳамда хотирхамлик туйғула-рини ҳам бир қарашда илғаш мумкин эди.

Сергели туманида кейинги йил-ларда амалга оширилган бунёдқор-ликлар билан ҳар қанча фарқлан-са арзийди. Энди янги мавзеда на-фақат янги уйлар, балки янги, энг замонавий мактаблар, боғчалар, поликлиникалар, истироҳат мас-канлари бунёд этилмоқда.

Янада аҳамиятлиси, аҳолига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари-ни воситачисиз, арзон нарҳда ет-казиб бериш мақсадида Сергели туманига Қашқадарё вилояти би-риктирилди. Яъни бу ерда вило-ят фермерлари ўз маҳсулотлари-ни олиб келиб сотадиган савдо жойи очилди.

Хулоса ўрнида айтганда, яқин йилларгача эътибордан четда қолиб келган Сергели тумани охириги уч йил мобайнида бутун-лай янгича қиёфага кирмоқда. Бундан юртдошларимиз, айниқ-са, бу худуддан уй олган ватан-дошларимиз жуда мамнун. Бар-ча қулайликка эга ўз уйинг бўлган, албатта, қувонсан, шу иш бошида турган инсонлардан бир умр миннатдор бўласан.

Нусратуллага ПАРДАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Бепарволик «вируси» бор экан, «тождор ёв» кучайиб бораверади



Наҳотки, баъзи юртдошларимиз хануз бепарволик “вируси” “тождор ёв”дан ҳам кўра хавфли эканлигини тушунишмаётган бўлса? Карантин қоидаларига риоя этмаётган кимсалар нафақат масъулиятни ҳис қилаётган бошқа фуқароларни ранжитмоқда, балки жамият саломатлиги, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига хавф соляпти. Бизнинг ҳудуд “яшил”, бизга ҳаммаси мумкин, дея чекловларни писанд қилмасликдан ким наф кўради? Ҳеч ким. Аксинча, шу ишни қилган ўша шахс эмас, балки ҳамма зарар кўради. Худо кўрсатмасин, агар касалликни юктириб олса, уйдаги кекса ота-онаси, оиласи, фарзандларининг ҳаёти ҳам хавф остида қолади. Бино-

барин, бозорлар, савдо мажмуалари, банкларда ижтимоий масофага амал қилмаётган, жамоат жойида, ниқоб тақмай юрган, вазиятни кўра-била туриб, уйда бемалол йигинлар ўтказаятганларни қандай тушуниш мумкин?!

Қашқадарё вилояти қоронавирусдан холи ҳудудлар рўйхатида эди. Бироқ шу кунларда Китоб тумани тўлиқ карантинга ёпилди. Боиси COVID-19 билан касалланганлик бўйича гумонланishi ҳолати қайд этилган, гумонланувчи қўллаб-қувватлов билан мулоқотда бўлган. Натижада юмшатишга чекловлар қайтадан жорий қилинган. Тасаввур этиясизми, бир кишининг эътиборсизлиги қанчадан-қанча оиланинг тинчини бузиб қолмай, балки бутун тумандаги ҳаётга салбий таъсир кўрсатади.

Одамнинг энг ёмони — бепарво ва лоқайди

Ҳаётимизни, уммондаги бир катта елканли кемага ўхшатадиган бўлсак, у кема-ни бекаму кўст бошқариш учун ҳамма вазифадорлар ўз ишини сидқидилдан ва мукаммал адо этиши лозим.

Ҳамкорлик

Япония Ҳукумати томонидан тақдим этилаётган янги молиялаштириш Ўзбекистонда COVID-19 пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этишга қаратилган БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД) фаолиятини кенгайтиришга ёрдам беради.

Япония Ўзбекистонга COVID-19га қарши курашда 1,9 миллион АҚШ доллари ажратмоқда

Молиялаштириш катализатор сифатида хизмат қилади ва Ўзбекистонда COVID-19 оқибатларини юмшатиш борасидаги кўп тармоқли ва инсон манфаатларига қаратилган жавоб чораларини кўчатиради, шунингдек, янада барқарор ва инклюзив ривожланиш учун шароитлар яратишга ҳисса қўшади.

БМТнинг COVID-19 пандемиясига қарши жавоб чоралари доирасида БМТТД мамлакатларга пандемияга тайёргарлик, жавоб чораларини кўриш ва ундан сўнг тикланиш бўйича ёрдам бермоқда ҳамда бунда алоҳида эътибор аҳолининг энг заиф қатламларига қаратилмоқда. Қўшимча 1,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ COVID-19 касаллигига қарши тезкор жавоб чораларини кўриш бўйича БМТТДнинг жорий дастурига қўшимча бўлиб, унинг қўламини кенгайтиришга ёрдам беради. Ушбу дастур умумий қиймати 3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi асосий молиялаштириш маблағлари ҳисобига бошланган.

Ўзбекистонда пандемия даврида БМТТД ижтимоий-иқтисодий соҳаларга асосий эътибор қаратади: хотин-қизлар, ёшлар, норасмий сектордаги ишсизлар, қайтиб келган меҳнат муҳожирилари, микро, кичик ва ўрта корхоналар, янги тадбиркорлик субъектлари (стартлар).

Ҳукуматнинг COVID-19 сабабли, асосан, масофадан туриб ишлаган ҳолда (масалан, масофавий тарзда тизимга кириш орқали) хизматларни кўрсатиш борасидаги салохиятини мустаҳкамлаш мақсадида БМТТД рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланмоқда ва Ўзбекистонга ўзини яқкалаш шароитларида давлат органлари фаолиятининг узлуksизлигини таъминлашга ёрдам бермоқда.

БМТТД Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, COVID-19 инқирозига қарши жавоб чораларининг самардорлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳўмоя соҳасини қайта тиклашга қаратилган ишловларнинг мақсадларига эришиш учун дастлабки шарт сифатида вазирликнинг 9600 бўлинмасынинг электрон ҳужжат юритиш тизимига тажрибавий ўтказиш бўйича Ҳукуматнинг сазй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Вазирлик зарурий техника воситалари ва дастурий таъминотга, шунингдек, ахборотни бошқариш

Акс ҳолда, кема бир ёки бир неча бепарво инсонлар айби билан бирор фалокатга дучор бўлиши мумкин. Афсус, буни барча ҳам бирдек англамайди. Ҳали-ҳануз беғамлик, лоқайдлик, содир бўлаётган ҳодисаларни кўриб, кўрмасликка олиш каби иллатлар мавжуд, орамизда касалликка қарши кураш фақат давлатнинг иши деб ўйлайдиганлар ҳам учрайди. Аммо бу билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Сафимизда лоқайд кимсалар хануз бор экан, касалликни енга олмаслигимизни барчамиз англашимиз шарт. Бу фуқаролик масъулиятини ҳис этмагунимизча, эришмаларнинг натижалар ҳам бўй кўрсатмаслиги аниқ.

Лўкмони Ҳакимдан “Одамларнинг энг ярамаси, энг ёмони ким?” деб сўралганидан у киши: “Одамларнинг ёмонлик қилаётганини кўра туриб, кўрмасликка олгани, бепарво, лоқайд бўлганидир”, деб жавоб берган экан. Шундай экан, жамоат жойларида карантин қоидаларига амал қилинмаётганининг гувоҳи бўлсангиз, бу ҳолатга бефарқ қарамаңг. “Менга нима, соғлиги ўзига керак”, дея юз бурманг. Шундайларни огоҳликка чор-

Барча ҳаракатлари харажатларни йўққа чиқарманг!

Кун якунида коронавируси билан боғлиқ вазиятга оид хабарлар билан танишамиз. Касалланганлар сони ортгани, ҳудудларнинг “яшил”дан “сарик”қа, “сарик”дан “қизил”га ўтгани, ўлим ҳолати қайд этилганини кўриб, қалбда оғриқ сезамиз. Буларнинг барчаси кичик эътиборсизлик, лоқайдлик сабаб рўй бераётганидан хавотирга тушамиз. Бундай салбий ҳолатлар касалликни аниқлаш, унинг олдини олиш ва даволаш учун давлатимиз томонидан қилинаётган хатти-ҳаракатлар бюджетдан олинаётган триллионлаб харажатлар натижадорлигини йўққа чиқариши мумкинлиги эса янада ачинарли.

Ҳақиқатан ҳам, ўрнатилган тартиб-қоидаларни менсимасак, вазият тарағланиб бораверади. Мисол учун Бразилия, Чили ва Ҳиндис-

тонда апрель ойидан бундан вирусни юқтирганлар сони ҳафтаига 40 — 50 фоиз ўсмоқда. Бундай салбий статистикада бепарволик, масъулиятсизлик энг асосий омиллар эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Оқибатда ҳинд диёрида карантинга риоя этмаганлар полиция ходимлари томонидан таёқ билан қалтакланиб, уйларга ҳайдаш оддий ҳолатга айланган. Шунга қарамай, ҳозирги кунда мамлакат аҳолиси саломатлигини сақлаб қолиш масаласи боши берк кўчага кириб қолди.

Биздан эса маданият ва ҳшмуомалилик билан огоҳ бўлишга, карантин қоидаларига риоя этишимиз сўралапти. Наҳотки, шу оддий вазифани бажаришимиз шунчалик қийин бўлса?!

Хулоса ўрнида хитойлик буюк файласуф Конфуцийнинг ушбу сўзларини келтиринг ўтмоқчимиз: “Хушёр бўл, худди ҳар ёқасида турган каби. Хушёр бўл, худди юпқа муз устида юрган каби”. Коронавируси пандемияси пайтида хушёрлики ана шундай даражага ошириш керак. Карантин пайтидаги бепарволик эса ҳар биримизни, шубҳасиз, “тождор ёв”нинг азобли ҳарига қўлатиб юбориши ёки синган муз остидаги тубсиз чуқурликка тортиб кетиши мумкин.

Равшан МАКСУДОВ,
Ферғона давлат университети ректори,
техника фанлари доктори,
профессор.

110 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланади

Аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш мамлакатимизда доимий эътиборда турган масалалардан ҳисобланади. Бу, айниқса, ҳозирги пандемия шароитида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки мазкур ҳолат ишсизлик кучайиб, одамлар даромади йўқолишига ҳам олиб келаётганди. Давлатимиз ушбу жиҳатлардан келиб чиқиб, ўз вақтида зарур чораларни кўраётир. Фуқаролар қийин аҳволда қолмаслиги учун тегишли шароитлар яратиш бўйича муҳим тадбирларни қўллаяпти.

Иزلаниш

Бу борада Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Қолаверса, давлатимиз раҳбари йиғилишларда му-тасаддиқларга тегишли топшириқлар берапти. Хусусан, Президентимиз раислигида тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ишлаб чиқариш корхоналари қаторида ўзини ўзи банд қилаётган, қўлида ҳўнари бор одамларга меҳнат қилиш учун муносиб шароит яратиш ҳақида сўз юритилди. Бу сартарош,

новвой, темирчи, тикувчи, таржимон каби оддий касб эгалари учун катта имконият, албатта.

Маълумотларга кўра, пандемия даврида Самарқанд виллоятида камбағал оилаларнинг 78 минг, ишламаётган корхоналарнинг 7,8 минг ҳамда чет элдан қайтиб келган 24,8 минг, жами 110,6 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Шу кунгача уларнинг 31,3 фоизи ишли бўлди.

Мазкур йўналишда энг катта кўрсаткичлар жамоат ишларига жалб этиш ва янги кичик корхоналар ҳамда мик-

рофирмалар ташкил этиш ҳисобига бўлиши кўзда тутилган. Ўз навбатида, фаолияти тўхтаб турган корхоналар фаолиятини тиклаш ёки бошқа йўналишда иш бошлашини таъминлаш ҳисобига 7,5 мингга яқин аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлади.

Шаҳар ва туманларда қиймати 6225,4 миллиард сўмлик 815 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобига 11 мингдан кўпроқ фуқароларнинг бандлиги таъминланади.

Бундан ташқари, 4100 нафар фуқаро “Хар бир оила — тадбиркор” дастурига асосан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобига 10200 нафар фуқаро, 30700 киши эса Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқа ва дала томорқасига субсидиялар ажратилиш ҳамда ҳомийлар ҳисобидан доимий даромад манбаига эга бўлади.

«Халқ сўзи».

«Хўжайпоқ» санаторий-соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси иш бошлади

Олтинсой туманидаги сўлим тоғ ҳудудида 200 ўринли замонавий “Хўжайпоқ” санаторий-соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 19-20 январь кўнари Сурхондарё виллоятига ташири қочиди сўлим тоғ қўйнидаги шифобахш сувга эга гўшада юртдошларимизнинг марокли хордиқ чиқариб, соғлигини тиклаши учун барча шароитга эга соғломлаштириш масканини барпо этиш юзасидан тегишли вазифаларни берган эди. Шунга мувофиқ, санаторий қурилишига Жобу маҳалласи ҳудудида 5 гектар ер майдони ажратилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг капитал қурилиш бошқармаси бюрutmачи этиб белгиланди. “Касаба лойиҳа” масъулияти чекланган жамияти унитар корхонаси лойиҳа ишларини амалга оширди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига қарашли “Касаба қурилиш таъмир” шўбча корхонаси бунёдкорлари мухташам биндини тез ва сифатли барпо этди.

Барча замонавий қулайликларга эга беш қаватли соғломлаштириш-дам олиш масканини қуриб, фойдаланишга топшириш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 85 миллиард сўм маблағ сарфланди. Қўп қаватли санаторий-соғломлаштириш ва дам олиш биноси, 200 ўринга мўлжалланган маданий тарздор, 10 минг китоб фондига эга кутубхона, турли рангда жипланадиган фаввора қурилган. Санаторийда 20 дан ортиқ физиотерапевтик даволашга мослаштирилган замонавий ускуна, шунингдек, УЗИ, ЭКГ ва лаборатория жиҳозлари ўрнатилган. Фитобар, ёпиқ бассейн мавжуд. Бу ерда



кардиологик, неврологик, таянч ҳаракат, гинекологик, стоматологик, урологик ва бошқа касалликлар бўйича даволаниш учун барча шароит яратилган.150 киши иш билан таъминланади.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар ҳамда нурунийлар иштирок этган тантанали маросимда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қ. Рафиқов, Олий Махлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов, меҳнат фахрийси Х. Шарофуддинов ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, уларнинг муносиб дам олишини ташкил этиш, мавжуд даволаш-профилактика, соғломлаштириш муассасаларида барча қулайликни яратиш, хорижикидан қолишмайдиган янгилиларни қуриш ҳамда салохиятли кадрлар билан таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг камровли ишлар ҳақида атрофлича фикр юритди. Бу борада-

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ, ТЕРГОВ ВА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ФАОЛИЯТИДА

қийноқнинг олдини олиш тизими такомиллаштирилади

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан брифинг ташкил этилди. Унда иштирок этган Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортикова ҳамда Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Улуғбек Муҳаммадиев ва бошқалар “Тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш фаолиятида қийноқнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳаси мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Брифинг

Таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг кафолатларини янада кучайтириш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслигини таъминлаш, вақтинча сақлаш ва тергов ҳисобналарни, жазони ижро этиш муассасаларини видеокузатув воситалари билан жиҳозлаш, тергов процессуал харакатларини видеоёзув орқали қайд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Масалан, сўнгги уч йилда қийноқнинг олдини олиш мақсадида вақтинча сақлаш, тергов ҳисобналари ва жазони ижро этиш муассасаларига 3 мингдан ортиқ аудио ҳамда видеоёзув ускуналари ўрнатилди. Тергов ҳисобналари ва жазони ижро этиш муассасаларида адвокатлар учун жиҳозланган 69 та хона ташкил қилинди.

Бош прокурор ўринбосари С. Ортикова қайд этишича, ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш борасида ўтказилаётган ислохотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш фаолиятида қийноқнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Чунки қийноқнинг олдини олиш бўйича миллий тизим халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва норма-ларига тўлиқ мувофиқ эмас. Бу мамлакатимизнинг нуфузига ҳамда халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнига салбий таъсир кўрсатапти.

Қолаверса, республика-мизда қийноқ билан боғлиқ ҳолатларнинг сўнгги вақтда қўпайиш кузатилган. Жумладан, 2017 йилда еттига, 2018 йилда ўнга, ўтган йили ўн олти-та қийноққа солиш жино-

яти, яъни Жиноят кодексининг 235-моддасида назарда тутилган жиноят (қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) қайд қилинган. Натижаси бўйича айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилган.

Яна бир муаммо шундаки, қийноққа доир муружа-атларни кўриб чиқиш ҳамда қийноқ ҳолатларига доир ишлар бўйича терговга қадар текширувни амалга оширишнинг бугунги ҳолати талабга тўлиқ жавоб бермайди.

Сўнгги уч йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қийнаш, кўрқитиш ва бошқа таъйиклар қилинганлиги юза-сидан 757 та ариза ва хабарлар келиб тушган бўлса, уларнинг 33 таси, яъни 4,4 фоизи бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, тадбирда жиноят ишини юритиш чоғида ушлаб турилган шахсларнинг ягона электрон реестрини юритиш тизимини йўлга қўйиш, қийноқдан хабарлан-ган шахсларга етказилган моддий ва маънавий зарар-нинг ўрни қопланишини таъ-минлаш ҳамда уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш ишларини такомиллаштириш каби бир қатор муаммоларни ҳал этиш жиҳдий заруратга айлангани айтиб ўтилди.

Брифингда юқоридагилар-ни инобатга олган ҳолда, 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини та-комиллаштириш концепция-сида белгиланган вазифа-ларни амалга ошириш, тез-кор-қидирув, тергов ва жа-зони ижро қилиш фаолияти-да қийноқнинг олдини олиш тизимини тубдан такомил-лаштириш мақсадида “Тез-кор-қидирув, тергов ва жа-зони ижро этиш фаолиятида қийноқнинг олдини олиш тизимини тубдан такомил-лаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Қарор лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Қийноқнинг олдини олиш қўмитасини ташкил этиш на-зарда тутилган бўлиб, ушбу қўмита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи алоҳида орган, яъни инсоннинг қийноқдан ҳимоя қилишга доир конституция-вий ҳуқуқини таъминлаш бўйича республика давлат бошқаруви органи сифатида ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсла-рига тобе бўлмаган тарзда амалга ошириши белги-ланган.

Бундан ташқари, қарор лойиҳасида ушлаб турилган ва қамоққа олинганлар сўт-қанинг исталган вақтида те-лефон орқали, шу жумладан, видеоконференцалоқа режи-мидан фойдаланган ҳолда мурожаат қилиши мумкин бўлган Қийноқнинг олдини олиш қўмитасининг Call-мар-казини ташкил этиш, ушлаб турилган ва қамоққа олин-ганлар сақланадиган жой-ларга мунтазам равишда мониторинг таширфларини амалга ошириши, қийноқдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъ-минлаш масаласида янгича дунёқарашни шакллантириш-га қаратилган махсус дастур бўйича тезкор-қидирув, тер-говга қадар текширув, су-риштирув, дастлабки тергов ва жазони ижро этиш фао-лиятини амалга оширувчи органлар ходимларини ҳар йили ўқитишни йўлга қўйиши назарда тутилган.

Муҳим жиҳатлардан яна бири, Ўзбекистон Республи-каси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг янги тахрирдаги лойиҳаларида ушлаб турилган ва қамоққа олинганларга нисбатан қий-ноқнинг барвақт олдини олиш тартибини такомил-лаштириш бўйича аниқ ҳуқуқий механизмларни бел-гилаш назарда тутилган.

Ҳозирги вақтда қарор лойиҳаси мутасадди вазир-лик ва идоралар билан ўрнатилган тартибда кели-шувдан ўтказилаётгани, яқин кунларда лойиҳа умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш учун тегишли порталга joyлашти-рилиши маълум қилинди.

Брифинг савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ниши мумкин. Бунинг учун мух-ташам мажмуа қурилиб, атрофи обо-донлаштирилди. 26 километр ма-софага пластик қувур тортилиб, “Хўжайпоқ” маъданли шифобахш суви туман марказига олиб келин-ди. Бу тоғли туман марказида яшов-чи аҳолининг ҳам шифобахш сув-дан фойдаланиши учун кенг имко-ният яратиб, маҳаллий одамларнинг бир умрлик орзуси рўёбга чиқарил-ди. Бу санаторийнинг яна бир ноёб жиҳати, сиҳаттоҳ дунёда олтингургур-ли сув билан даволашга иختисос-лаштирилган бешиқни санаторийдир.

— Ушбу мажмуа воҳода Ўзбеки-стон Касаба уюшмалари Федерация-си қурутлар бошқармасига қараш-ли “Термиз марвариди” санаторий-сидан кейинги иккинчи сиҳаттоҳдир, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов. — Бу ерда ҳам “Термиз марвариди”даги каби хал-қимиз саломатлигини мустаҳкам-лаш, уларнинг дам олиб, маданий хордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Санаторий-курорт муассасаларини кенг ривож-лантириш учун қўлай иқлим ва му-ҳитга эга вилоятимизда бу ишлар яна давом эттирилади. Жумладан, келгуси йил бевосита мазкур зи-ератгоҳга туташ ҳудудда яна 200 ўринли санаторий-соғлом-лаштириш ва дам олиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топшири-лади. Сариосиё туманидаги тоғли ва ҳушманзара Сангардақ қишло-ғида қад ростлайдиган қўп қаватли худди шундай мажмуага ҳам бугун дастлабки тамал тоши қўйилди. Кейинги йилларда амалга оши-рилаётган бундай эзгу ишлар аҳолининг соғлигини тиклаб, муно-сиб дам олиши учун зарур қўлай-ликларни яратиш баробарида, юр-тимизнинг туристик салохиятини ошириб, миллий иқтисодиётимиз-ни мустаҳкамлашга хизмат қилаёт-гани билан ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Тантанали тадбирда мажмуа қурилишида фаол иштирок этган бир гуруҳ бунёдкорларга совғалар топширилди.

Маросимда Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Боболов сўзга чикди.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

ТЕК ЮЛДУЗЛАР ҚОЛАР ЭКАН МАНГУГА...



Адабиёт осмони чексиз ва бекиёс, аммо доим ҳам мусаффо бўлмаган. Юлдузлар ҳамisha ёниб, баъзан оқ булутлар орасидан қуёш чарақлаб турса, баъзан уни қора булутлар босиб, яшинлар ўраб, қор-ёмғир шалаббога айлантирган.

Адиблар хиёбонидаги ўйлар

21 май куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси атрофи ва Адиблар хиёбонини кезиб, ёзувчи-шоирлар оламига сەҳнат қилгандай бўлдим. Адиблар олами — адабиёт тарихи, аслида ҳар бир адибнинг ўзи алоҳида бир тарих ва уларнинг мажмуаси халқимиз руҳини жамлаган бир мезон. Бу ерда зиёрат Навоий бободан бошланади. Буюк мутафаккирнинг серкирра ижод оламига кириб, кейин адабиётимизнинг бошқа устунларига ўтамиз ва замонамизнинг улугларидан бири бўлган Абдулла Ориповнинг бир гапи эсга тушади:

...“Ха, иним, Нукусдан самолётда учиб келдингиз, ҳа... Йўл-йўлакай деразадан қараб, оқ булутлар орасидан учдингиз ва осмонларда нима кўрддингиз?”

Мен уюшмага ҳисобот беришга келганман. Довдираб қолдим. Деразадан ҳеч вақо кўринмаганди. Абдулла ога ўйчан гапида давом этди: “Биласанми, Ўрозбой, осмонга кўтарилсангиз, атрофингизда ўтган шоирлар, ёзувчилар руҳлари ҳам сиз

билан бирга учиб юради. Балки улар сизга кўринмаслиги ҳам мумкин, сабаби ўртамеъна руҳлар на тегара, на пастга кетолмай 2-3 қаватда мангу айланиб юраверади. Навоий, Бердақ боболаримизнинг руҳи аллақачон еттинчи қаватдан ўтиб, арши аълодан жой олган бўлади, қолганлари эса ер атрофидан муаллақ кезиб юраверади...”

У пайтлари ҳукумат ҳисоботларни ўта яхши кўрарди, адибнинг ҳисоботи ёзган асарларидан иборат эканини тушунтира олмас эдик.

Ижод йўли ўта нозик йўл, у нафақат Дўрмон йўлидан иборат. Адиблар хиёбони бизларнинг муҳаббат ёшмишда “Комсомол” кўли деб аталмиш, севишганларнинг висол онлари кечадиган бахт маскани эди. Ҳозир ўша бахт онларини ўғил-қизларимиз тотаяпти. Адибларимизнинг ҳайкаллари неварачевараларининг бахтига яшаб ўтганларини ҳис этаётгани сезилади.

Уюшмамизга янги раҳбарият келиши билан ёзувчиларнинг бевосита ижодида эътибор кучайди. Уюш-

манинг ичкарасидагина эмас, жамиятнинг ўзида адибнинг қадри ортапти. Адиблар хиёбонида қорақалпоқ адиблари ҳайкаллари қад кўтарди. Бердақ бобонинг дутор чалиб ўтирган бюсти Тошкентнинг Нукус кўчасида — Шимолий вокзал томонда яққаланиб қолган эди. Мана, энди Бердақ бобо, Ибройим Юсупов ва Тўлепберген Қаипбергенонинг ҳайкаллари Адиблар хиёбонидан жой олди.

Пойтахтнинг қоқ марказидаги маънавийтимизнинг амалий рамзи бўлмиш Адиблар хиёбони ажодларимиз руҳларини жипслаштирувчи масканга айланиб, ёшларимиз учун Ватанга содиқлик мактаби бўлса, не ажаб?!

Чунки ҳар янги авлод ҳаётга ўз овози билан келади. Адабиётга ҳар ким ўз сўқмоғи билан: биров ашиндек ёниб келади, баъзилари эса аланга чиқармасдан тутаб киради ва... тутаб кетаверади. Ижод тутуни еру осмонни қоплаб олмаслиги учун

Адиблар хиёбони тепасида буюк Навоий бобо кузатиб турибди. Бобонинг руҳи олдида ҳавони тутатиб ёзиш уят...

Эсимга таниқли қорақалпоқ шоири Улмамбет Хўжаназаровнинг:

“Тўзди экан, тўзди

экан бари-да,

Тек юлдузлар қолар

экан мангуга...”

деган сатрлари тушди Адиблар хиёбонида...

Невараларимга яқинда қад кўтарган Тошкент тарихи музейи иморати ишора қилдим. Яшил арчазор орасидан ўтиб, янгиланаётган юртимизнинг кўкариш нишонини бўлмиш яшил рангларига севишган невараларим олдимда ўйноқлаб, чопқиллаб кетишди...

Чопинг, тойчоқларим!

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
халқ ёзувчиси.

САМАРҚАНД ГИЛОСИ жаҳон бозорларида

Заҳматкаш деҳқонларимиз томонидан етиштирилаётган ширин-шакар мевалар доғруғи етти иккимга етган. Шу боис уларни хорижликлар бажонидил харид қилишади.

Тадбиркорлик

Масалан, айни пайтда гилос экспорти қизғин паллага кирган. Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ахборот хизматининг маълумотига кўра, жорий йилнинг 27 майга қадар, мазкур ҳудуддан жами 102 тонна, қиймати 195 минг

АҚШ долларлик гилос ташқи бозорга йўналтирилди.

Ушбу мавсумда Россия Федерацияси ва қўшни Қозғоғистон ўзбек гилосининг асосий харидори бўлса, Беларусь, БАА, Польша, Хитой, Жанубий Корея, Туркменистон, Таиланд каби давлатларга

200 тоннага яқин маҳсулот экспорт қилинди.

Самарқандда рўйхатдан ўтган корхоналар томонидан гилос экспорти давом эттирилмоқда. Бунда вилоят божхона ходимлари томонидан карантин талабларига риоя этилган ҳолда, товарларни экспортга расмийлаштириш жараёни соддалаштирилган тартибда, тез фурсатларда амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

«Халқ сўзи».

КОРХОНА 500 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ЭКСПОРТНИ АМАЛГА ОШИРДИ

Бунда «Туронбанк»нинг молиявий кўмаги қўл келди.



Аҳоли турмуш даражасини оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва уларни сотувчи хўжалик субъектлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бунинг натижасида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яхши сақланиши, экспорт кўлами кенгайиши баробарида, одамлар бандлиги ҳам таъминланади. Бу жараёнда эса лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий плантацияларни барпо этиш муҳим.

Шу боис айни пайтда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга иктисослаштирилган корхоналар ташкил қилиниб, уларда экспорт-боп товарлар ишлаб чиқаришмоқда. Бунда озиқ-овқат саноати ташкилотлари юқори технологияларга асосланган йирик ишлаб чиқариш объектларига айлантирилаётгани, айниқса, эътиборга молик.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни тизимли равишда олиб боришга ҳуқуқий асос яратди. Унга муво-

фиқ, тармоқнинг интенсив ривожлантиришга оид лойиҳаларни амалга ошириш учун экин майдонлари сезиларли равишда кенгайтирилиб, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича янги қувватлар ишга туширилмоқда. Молиявий ресурслар, жумладан, халқаро молия институтлари маблағлари фаол жалб этиляпти.

Самарқанд вилоятининг Окдарё туманида жойлашган “Дўстбек Окдарё” мева-сабзавотчилик кластери бунга яққол мисол. Йилга 38 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга мазкур хусусий корхона 2018 йилги Инвестиция дастурига киритилган эди. Корхона маҳсулотлари тўлиқ

хориж бозорларига сотилади. Бунинг учун эса “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки орқали Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 936 минг АҚШ долларини микродрога молиявий кўмак берилган. Унинг эвазига эса Италия ва Туркиядан энг сўнгги русумдаги, замонавий технологиялар олиб келиниб, ўрнатилди. Натижада корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробар ошди. Хусусан, 2019 йил якуни бўйича мазкур кластердан ташқи мамлакатларга экспорт қилинган маҳсулотлар миқдори 500 минг АҚШ долларидан ошди.

— Корхонамиз 2011 йилда ташкил этилган бўлса ҳам технологик жараёни талабга жавоб бермаган-

лиги сабабли тўлиқ қувватда фаолият кўрсатмасди, — дейди “Дўстбек Окдарё” ХК раҳбари Зиёдулла Дўстбеков. — Давлатимиз томонидан биз, тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар биз несимизни тиклашда айни муддао бўлмоқда. Бунда, албатта, “Туронбанк”нинг ҳиссаси катта. Молия институти кўмаги асосида Туркиянинг “Бектум” компаниясидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бошланғич қайта ишлаш ускунасини 130 минг АҚШ долларига харид қилдик. Шунингдек, Италиянинг “Алемента Идустриус” корхонасидан қайта ишланган маҳсулотларни стерилизациялаш ва асептик қадоқлаш вазифасини бажарувчи технологияни 806 минг АҚШ

долларига олиб келдик. Ушбу қувватлар ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Европа стандартларида тайёрлаш имкониятини беради, бу эса экспортга йўналтиришнинг асосий талаби ҳисобланади. Ҳозирги кунда хусусий корхонамизда помидор ва олма каби мева-сабзавотлар қайта ишланиб, яқин хориж мамлакатларига етказиб берилмоқда. Жумладан, Россия Федерациясининг Красноярск вилоятининг “Аскалон” корхонаси билан 4,9 минг АҚШ долларига тенг миқдорда экспорт шартномаси мавжуд. Аҳамиятлиси, амалга оширилган ўзгаришлардан сўнг биз 120 фуқарони доимий иш билан таъминладик. Шундан қарийб, 70 нафарга яқини хотин-қизлар.

Мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида экспортга жалб қилинган корхоналар сафи кенгайиб бораётгани айни муддао бўлмоқда. Улар орасида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган корхоналарнинг алоҳида ўрни бор, албатта. “Туронбанк” эса иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасини ўзининг сифатли ва жозибадор банк хизматлари билан қўллаб-қувватлашда давом этади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

80 та ҳовлига иссиқхона қуриб берилди

Бугунги мураккаб даврда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимиз ва кенг жамоатчиликнинг диққат марказида турган энг муҳим вазифалардан бирига айланган.

Ижтимоий ҳимоя

Бу борада даст-аввал уларнинг бандлигини таъминлаш, маълум бир қўндалик ишга жалб этиш, оила-си ва фарзандлари учун таъминот асослари яратиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, томорқа ерларидан унумли фойдаланиш зарурати бугун ҳар қанонидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётир.

Андижон туманида аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан аҳолининг иш топишда қийнаётган, кам таъминланган қатламларига субсидиялар ажратилиш бўйича 80 та оилага амалий ёрдам кўрсатилди. Уларга иссиқхона қуриб берилди.

— Меҳнат қилганга томорқа, айниқса, иссиқхона

кони фойда, — дейди уй бекаси Одинахон Абдураззоқова. — Ҳовлимиздаги бир сотиҳ майдонга иссиқхона қуриб беришгач, помидор ва бодринг парваришлай бошладик. Ҳисоб-китобимиз бўйича бундан 8 миллион сўм даромад қилиш мумкин экан.

Ушбу хайри ишларни амалга ошириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 178 миллион 400 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 44 438 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқувлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаовбар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусахҳас — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.35 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6